O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3103093

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 17-mart • Seshanba • 32 (27.993) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди».

НАВРЎЗ НАФАСИ

БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди

Байрамлар олдидан теварак-атрофни яна бир бор тартибга келтириш, юртимиз кўркига кўрк қўшиш, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ҳашар ўтказиш мамлакатимизда хайрли анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартдаги фармойишига биноан, юртимизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари деб эълон қилинди. Мазкур тадбирлар доирасида 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ҳашарда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури вазифаларини амалга ошириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби халқимизга хос фазилатларни янада юксалтириш, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Наврўз байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш каби эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтди. Республика «Маҳалла» жамғармаси маълумотларига кўра, икки кунлик ҳашарда ўн олти миллион нафардан кўпроқ юртдошларимиз иштирок этди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўттиз минг гектар майдон ободонлаштирилди, йигирма бир минг километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланди. Зиёратгоҳ ва қабристонлар, тарихий қадамжолар, сайлгоҳлар тартибга келтирилди.

Ҳашарчилар томонидан қарийб йигирма олти миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди. Мавжуд боғ-роғларни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишлари бажарилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўтаётган мазкур умумхалқ хайрия ҳашарида қишлоқ аҳлининг фаоллиги ваташаббускорлиги алоҳида сезилиб турди. Юртимизнинг олис қишлоқларида кўплаб янги маданий, маиший, спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани С.Раҳимов номидаги маҳаллада ҳашар йўли билан қурилган барча қулайликларга эга маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Бу ерда маҳалла фаоллари йиғинини ўтказишга мўлжалланган зал, савдо дўкони, ошхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Жарқўрғон тумани У.Худойбердиев номидаги маҳаллада эса янги спорт мажмуаси қад ростлади. Бу масканда спортнинг кўплаб йўналишлари бўйича мунтазам машғулотлар ташкил этиш имконияти мавжуд.

Фарғоналиклар ҳам бу каби хайрли ишларга муносиб улуш қўшдилар. Жумладан, Данғара туманидаги «Янгиқишлоқ» фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган янги маҳалла гузари маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракати билан қурилди. Бешариқ туманидаги Янги Рапқон, Охунбоев туманидаги «Сармозор» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги маҳалла гузарлари таъмирланди. Қува туманидаги «Гўзал» маҳалласида эса янги боғ барпо этилди.

Жиззах ва Навоий вилоятларида боғларни ободонлаштириш, истироҳат боғларини реконструкция қилиш, ҳудуднинг экологик мувозанатини барқарорлаштиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2200 йиллик юбилейини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган пойтахтимиз аҳли ҳашар кунлари фаоллик кўрсатди. Шаҳарни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар, кўчалар, хиёбонлар, сайлгоҳлар ва кўп қаватли уйлар атрофини тартибга келтириш мақсадида барча тошкентликлар уюшқоқлик билан ишладилар. Ёшларнинг ташаббуси билан Чилонзор, Сергели, Учтепа ва Ҳамза туманларида бир неча ёшлар боғига асос солинди. Йигирмадан зиёд маҳалла биноси таъмирланди.

Ҳашар кунлари халқимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат сингари фазилатлари яна бир карра намоён бўлди. Хусусан, ўзгалар кўмагига муҳтож, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг уч юз ўттиз тўрт минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари таъмирлангани, моддий ёрдамга муҳтож инсонларга беш юз етмиш миллион сўмдан кўпроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатилгани бунинг далилидир.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган иш ҳақи Республика «Маҳалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобига ўтказилади. Ушбу маблағ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, кўп болали кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ ва маҳаллалар моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.
М.АМИН ва С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ ЎзХДП кўчма Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ...

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши томонидан овул ва қишлоқлар, аҳоли зич яшайдиган жойларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари иши йўлга қўйилди.

Навбатдаги кўчма қабул ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Назира Матъжубова раҳбарлигида Қўнғирот туманидаги «Гулобод» овул фуқаролар йиғинида ўтказилди.

Мустақиллик йилларида туманда тарихий ўзгаришлар юз берди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишга туширилган асримизнинг гигант қурилиши — Қўнғирот сода заводида 1144 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 292 нафари хотин-қизлардир.

Туманда кейинги уч йилда кам таъминланган 700 оилага соғин сигир берилди, жорий йилда яна 100 оилага худди шундай қорамол берилиши режалаштирилди. Бу эса 800 кишига меҳнат дафтарчаси очилиб, улар иш билан таъминланди, рўзғор юритиши учун муҳим даромад манбаига эга бўлди, дегани.

Яқинда брезент ишлаб чиқарувчи фабрика ишга тушиб, унда 123 киши, жумладан, 70 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили кичик бизнес билан шуғулланаётган 505 нафар фуқарога 665 миллион 976 минг сўм кредит ажратилди. Натижада, 700 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Ижтимоий соҳада ҳам кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, «Наврўз», «Равшан», «Урнек», «Адабиёт», «Саят», «Қонли» ва бошқа овул фуқаролар йиғини ҳудудларида 24 та артезиан қудуқ қазилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Жорий йилда барча, жумладан, энг чекка овулларни ҳам ҳисобга олган ҳолда 104 қудуқ қазиш режалаштирилган.

2-бет

❖ ЎзХДП фаоллари

ЎЗ ЎРНИ, СЎЗИ БОР

Фарғона шаҳридаги ёшлар техник ижодий маркази ходимлари учун сиёсий ўқув ўтказиш анъанага айланган. Уни ЎзХДП фаоли Хадичахон Абдуллақосимова ташкил қилган. Навбатдаги машғулотда Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси батафсил ўрганиб чиқилди.

2-бет

ШИФЕР ЗАВОДЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

ХОРАЗМ. Қўшкўпир туманида йилига 500 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши ниҳоясига етмоқда. Корхона Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, Урганч шаҳрида ҳам шундай завод қурилиши режалаштирилган «Ургут-Хоразм шифер заводи» МЧЖ бу иш бошида турибди. Қиймати бир ярим миллион АҚШ доллари турадиган ва йилига бир миллион донагача юқори сифатли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона эса мустақиллигимиз байрамигача ишга тушиши кутилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

СУРХОНДАРЁ. Қизириқ туманидаги «Шодлик» маҳалласида гўштни қайта ишлаш корхонаси қуриб битказилди. У хориж замонавий технологияси билан жиҳозланган. Ҳозир бу ерда уч турда колбаса ишлаб чиқарилмоқда. Корхона очилиши билан ўндан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

«Туркманистон ва Ўзбекистон президентларининг умумий тил топганликлари, аниқроқ айтганда, Тожикистон ва Қирғизистон қиёфасида «умумий душман» топганликлари, мазкур ҳудудда янги вазият юзага келаётганлигидан далолат беради», — деди Бишкек матбуот клуби (ВРС) сайтига берган интервьюсида қирғизистонлик таҳлилчи Валентин Богатирев.

ВРС: Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви якуни бўйича Ислом Каримов Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига учинчи мамлакатларнинг аралашувига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида фикр билдирди. Сиз буни қандай шарҳлай оласиз?

Валентин Богатирев: Менинг назаримда, икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви охирги пайтдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу жараёнга маълум даражада Россиянинг Қирғизистондаги хатти-ҳаракати, аниқроқ айтганда, Қирғизистон энергетикаси ривожи учун Россия пулларини инвестиция қилиш тўғрисидаги Келишувга эришилганлиги туртки берди. Мазкур жараён анча олдин бошланиши тахмин қилинганди. Бу ҳақда мен ва бошқа экспертлар ҳам Марказий Осиё интеграция ва минтақалаштириш жойи эмас, балки геосиёсий дарз кетиш жойига айланаётганини айтгандик. Назаримда, ҳозирги кунда бу ҳолат анча ойдинлаша бошлади, Туркманистон ва Ўзбекистон манфаатлари туташлиги аниқ намоён бўлди. Ваҳоланки, бу масала икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда катта муаммо эди.

2-бет

• «ЎҚИШЛАРИМ ЖОЙИДА, ИШИМ ТАЙИН»

2-бет

• САМАРҚАНД ҚОҒОЗИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

3-бет

• ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИ

унинг миллий дид ва маданиятни шакллантиришдаги ўрни ҳақида мулоҳазалар

4-бет

✓ ЎзХДП кўчма Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ...

Шунинг ҳисобидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшиланади.

Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, ХДП фаоли Гулжан Йемберганова ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари Жамоатчилик қабулхоналари орқали фуқаролар мурожаатлари ечими юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Партия фаоллари билан мулоқотда «Гулобод» овул фуқаролар йиғинида яшовчи Бибиайша Баекеева, Назим Сарсенбаева, Қаляш Қидирбаевалар давлат томонидан кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоя қилинаётганлиги, Ўзбекистон ХДП фаолларининг байрамлар, турли саналар муносабати билан уларни йўқлаб турганидан миннатдор эканликларини билдирдилар.

Ўзига муносиб иш қидираётган Гулнора Ахманова, Марат Сапарбаев, Армон Қидирбаев ва бошқа фуқароларнинг мутахассисликлари, истаклари, қобилиятлари аниқланиб, уларни ишга жойлаштириш масаласи назоратга олинди. Илгарироқ кексалар номидан фуқаролар йиғини ҳудудида «Оталар чойхонаси»ни ташкил этиш масаласи бўйича ёрдам сўралган эди. Бу мурожаат юзасидан туман раҳбарияти билан иш олиб борилганлиги, қуриладиган жойи, амалга ошириладиган тадбирлар режаси аниқ белгиланганлиги тўғрисида ахборот берилди.

— «Олтинкўл» шаҳарчаси ҳудуди анча катта. Бу ерда яшайдиган фуқароларнинг 12441 нафари хотин-қизлар. Жамоатчилик қабули тўғрисидаги хабарни эшитиб, уларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш ва ҳамкорликда айрим ишларни ниҳоясига етказиш масаласи бўйича таклифларимни билдириш, саволларимга жавоб олиш мақсадида келган эдим, — дейди шаҳарча фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Роза Жоллибекова.

— Маҳалламизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ишонч кучли, — дейди «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли Полат Юсупов. — Кўчма қабул орқали эҳтиёжманд аҳолига сўзда эмас, амалда ёрдам берилаётганини кўриб хурсандбўлдим. Бизнинг ҳудудимизда 3097 киши истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпроғи ёшлар, 872 нафари мактаб ўқувчиларидир. Маҳалла гузарини фаолларимиз ташаббуси билан бунёд қилганмиз. Ёшлар учун спорт майдони қуришга мўлжалланган жойимиз бор. Аммо, бу яхши ташаббусни амалга оширишга бироз қийналиб турган эдик. Масала туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Қўнғирот туман кенгашлари ҳамкорлигида овул фаолларини жалб қилган ҳолда ижобий ечиладиган бўлди...

Қабулга келганлар шунингдек, тижорат банклари ходимларидан хусусий бизнес, паррандачилик, чорвачилик, касаначилик билан шуғулланиш учун микро кредитлар олиш йўл-йўриқлари борасидаги саволларига ҳам жавоб олдилар.

Кўчма қабулдан сўнг Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раҳбарияти, Жўқорғи Кенгесдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Қўнғирот туман Кенгашидаги ХДП депутатлари, фаоллар, Ўзбекистон ХДП Қўнғирот, Муйноқ, Қанликўл, Шуманай туман кенгашлари раислари иштирокида тадбир якунлари муҳокама қилинди. Электорат вакиллари истиқомат қиладиган жойларда ўтказилган тадбирларда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия сайланма органлари аъзоларини кўпроқ жалб қилиш лозимлиги таъкидланиб, бу борадаги режалар белгилаб олинди.

— Энг асосийси, тадбир ўтказиш эмас, ХДП электорати манфаатларининг ҳимоя қилиниши, одамларнинг бизга ишончидир, — дейди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Алписбай Ибадуллаев. — Бугунги тадбир давомида одамлардан кўплаб саволлар тушди, турли масалалар юзасидан мурожаатлар бўлди. Фаоллар билан кенгашиб, қўйилган муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олдик. Уларни тўлиқ амалга ошириш партиямизга ишончни янада мустаҳкамлайди, бизни қўллаб-қувватловчилар янада кўпайиши, айни вақтда электорат вакилларининг сиёсий ва ҳуқуқий онги, фаоллиги ошишига хизмат қилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

«ЎҚИШЛАРИМ ЖОЙИДА, ИШИМ ТАЙИН»

— Ўтган йили коллежимизни саккиз мутахассислик бўйича 226 нафар ўқувчи тамомлаган эди, — дейди Пахтакор маиший хизмат кўрсатиш коллежининг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Қаҳрамон Сулаймонов. — Уларнинг 215 нафари иш билан таъминланди, 6 нафари олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинди, 5 нафари ҳарбий хизматни ўтамоқда.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш даражасининг бундай юқори бўлишида мавжуд мутахассисликларнинг замон талабларига тўла мос келиши ва меҳнат жамоалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти.

Коллеж битирувчиларини ҳозирдан иш билан таъминлаш белгиланган режа асосида олиб борилаяпти. Яқинда Пахтакор туман ҳокимлиги билан Бандликка кўмаклашувчи марказ бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди.

— Ишим тайин бўлди, — дейди шу тадбирда қатнашган коллежнинг ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича битирувчиси Шарофат Рисқулова. — Туман фуқаролик ҳолатларини ёзиш бўлими билан меҳнат шартномаси имзоладим.

Бу ерда таълим олаётган барча ёшларнинг эртанги кундан кўнгли тўқ. Чунки, уларнинг иш жойлари тайин. Ёшларнинг билим олишга, касб-ҳунар ўрганишга бўлган ишончини мустаҳкамлаётган бундай кенг кўламли ишлар давом эттирилаяпти.

Доногул ЖЎРАЕВА

Суратда: *коллеж битирувчиси Шарофат Рисқулова.*

Муаллиф олган сурат.

ЎЗ ЎРНИ, ЎЗ СЎЗИ БОР

— Чуқур таҳлил, таклиф ва ташаббусларга йўғрилган маъруза бизда эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамлади, — дейди Хадичахон. — Халқ фаровонлиги, Ватан тараққиётини ифодалайдиган ҳар бир рақам чуқур шарҳланган. Марказнинг 43 ходимидан 23 нафари ЎзХДП аъзоларидир. Улар асосан ўқитувчи ва мураббийлар. Жамоадошларим бу йўналишлар ЎзХДП Дастурига мослигини таъкидлашди.

Партиямиз дастурида белгиланган мақсадлар электоратнинг муносиб ҳаёт тарзини таъминлашдан иборат. Биз айниқса, ёшлар орасига очиқ мулоқот тарзида кенгроқ кириб боришимиз лозим.

ЎзХДП Дастури билан танишган ҳамшаҳарларим орасида партия сафига кириш истагини билдираётганлар кўпайиб бормоқда. Шунинг ўзиёқ партиявий фаолиятда тарғибот-ташвиқотнинг ўрни нечоғли муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Фарғона туманининг Миндон қишлоғида туғилган, табиатан қизиқувчи Хадичахон Фарғонада олий маълумотли бўлди. Ёшлар ташкилоти етакчиси эди, энди ЎзХДП фаолига айланди. У ўзи ишлаётган марказ атрофидаги маҳаллаларда бўлиб, партия Дастурини тарғиб қилади. Унинг сафларига, айниқса, ёшларни жалб этиш борасида тажрибаси катта.

Хадичахоннинг ҳафталик иш режаси билан танишамиз. Унда турли учрашувлардан ташқари, кам таъминланган оилаларга ёрдам, олий ўқув даргоҳида таҳсил олаётган партия ёшлар қаноти аъзолари ижтимоий аҳволини ўрганиш, ёшлар иштирокида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолияти, жумладан, ЎзХДП олиб бораётган ишлар тўғрисида баҳс-мунозара клуби машғулотларини уюштириш... каби тадбирлар белгиланган.

— Афсуски, биз ҳатто халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари кучидан фойдалана олмаяпмиз. Аниқроғи уларни фаолиятимизга етарли жалб этолмаяпмиз, — дейди Хадичахон куюниб. — Ҳолбуки, депутат халқ, партия электорати манфаатларининг ҳимоячиси. Аммо унинг сайловчилар ҳузурида ҳисобот бериш тажрибаси амалда самарали ишлаяпти, дея олмаймиз. Балки, бунга сайловлар чоғида номзодларга керагича талаб қўймаганимиз сабабдир. 2009 йилда бу нуқсонга барҳам бериш керак, деб ўйлайман.

Хадичахон олиб бораётган партиявий иш самарадорлигининг юқорилиги сабабларидан бири ЎзХДП шаҳар кенгаши, партия фаоллари, фахрийлар билан ўрнатилган мустаҳкам алоқада ҳамдир. Етакчи уюштирган анжуманларга албатта партиямиз аъзоси бўлган, эл-юрт ҳурмат қиладиган, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга кишилар таклиф этилади. Уларнинг маслаҳатларига таянилади.

Х.Абдулқосимова ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгашининг барча тадбирларида янги таклифи, ташаббуси билан иштирок этади. Партиядошлари сафида ҳар доим унинг ўз ўрни, ўз сўзи бор.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Сергели туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги 4 та оилавий ҳамда кўптармоқли марказий поликлиника бўлиб, улар 15 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Туманда 33 та маҳалла, 34 та мактабгача таълим муассасаси, 27 та мактаб ва 6 та коллеж бор.

Туман марказий поликлиникасида 500 нафар тиббиёт ходими ишлайди. Бу ерда жарроҳлик, стоматология, гинекология, лаборатория, рентген, кундузги стационар мавжуд. Оилавий поликлиникаларда эса 45 нафар умумамалиёт шифокори аҳоли саломатлигини сақлаш учун жон куйдиради.

Шуни айтиш лозимки, умумамалиёт шифокорлари маҳалла ва оилаларда бўлиб, соғлом турмуш тарзи бўйича олиб бораётган тарғибот ишлари ўз самарасини бераяпти. Бинобарин, сўнгги уч йилда туман аҳолиси орасида қорин тифи, вабо, бўғма, қизамиқ, қоқшол, гепатит «С» каби юқумли касалликлар қайд этилмади.

— Аҳоли саломатлигини ҳимоялаш учун маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар тиббий маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди туман тиббиёт бўлими бошлиғи Содиқ Алимов. — Биз одамларга ҳар ким ўз соғлиғи учун қайғуришини тушунтираяпмиз. Шунда ортиқча елиб-югуришга, доридармонга ҳожат бўлмайди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 17 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	932,36	1 Польша злотийси	410,15
1 Англия фунт стерлинги	2186,79	1 СДР	2097,17
1 Дания кронаси	246,04	1 Туркия лираси	836,22
1 БАА дирҳами	387,33	1 Швейцария франки	1196,25
1 АҚШ доллари	1422,58	1 Евро	1999,44
1 Миср фунти	251,34	10 Жанубий Корея вони	9,80
1 Исландия кронаси	12,56	10 Япония иенаси	144,94
1 Канада доллари	1116,45	1 Россия рубли	40,84
1 Хитой юани	208,03	1 Украина гривнаси	184,75
1 Малайзия рингити	385,00		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

Туркманистон ва Ўзбекистон президентларининг умумий тил топганликлари, аниқроқ айтганда, Тожикистон ва Қирғизистон қиёфасида «умумий душман» топганликлари, мазкур ҳудудда янги вазият юзага келаётганлигидан далолат беради. Аслида гап икки давлатдан иборат ўзига хос янги норасмий блок шаклланаётгани ҳақида бормоқда, қайсики, улар қисқа вақт ичида тезкорлик билан ўзаро яқинлашиб, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича бирғаликда сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

Мазкур учрашувда Каримов Қирғизистонга билвосита ва бевосита тааллуқли бўлган жуда жиддий баёнот берди. Мен Каримовнинг сув масаласи учинчи томонлар иштирокида ҳал этилиши керак эмаслиги ҳақида билдирган фикрини айтаяпман. Тушунарли, бу борада у АҚШ ёки Хитой эмас, балки Россия ҳақида гапирди. Шунингдек, гап Қозоғистон ёки Афғонистон ҳақида эмас, балки Қирғизистон ва Тожикистон тўғрисида бораётганлиги ҳам тушунарли. Ислом Каримов на Россия ва на бошқа бирор мамлакат Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига аралашишлари керак эмаслигини аниқ таъкидлаб ўтди.

ВРС: Сизнинг назарингизда, бунга Россия раҳбариятининг муносабати қандай бўлади?

Валентин Богатирев: Менинг фикримча, Россия раҳбарияти томонидан бунга ҳеч қандай муносабат билдирилмайди. Шуни тушуниш керакки, Россия ва Қирғизистон ўртасидаги Келишув билан боғлиқ масала бирмунча бошқачароқ йўсинда турибди. Унда гап электростанциялар қурилиши ҳақида эмас, балки бу жараёндан бугунги вазиятга таъсир этувчи кучли восита сифатида фойдаланишга уриниш ҳақида бормоқда. Бу қурилиш билан Россия бир томондан — Қирғизистон энергетикаси устидан, иккинчи томондан — Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисмига оқиб келаётган сувни назорат қилиш орқали Ўзбекистон устидан ҳам назорат олиб бориш имкониятини эгаллаши мумкин.

Бу шунақа бизнес-лойиҳаки, унинг асл моҳияти — электр энергияси сотиб, даромад олиш эмас. Худога шукр, Россиянинг станциялар қуриш учун жойлари етарли. Бироқ, ўз ҳудудида электр энергия танқис бўла туриб, негадир, у айнан шу ерда станция қуришга шайланмоқда... Шундай экан, гап бу ерда муайян сиёсий манфаатлар ҳақида кетаяпти.

Шу боис, менинг назаримда Россия Каримов баёнотига унчалик эътибор бермайди, чунки у қиладиган ишини қилиб бўлди. Россия мазкур мамлакатларда сув ресурсларини назорат қилишга тайёр эканлигини билдирди. Медведев Ўзбекистонга қилган ташрифи пайтида эса Ўзбекистон томонга ўзининг дипломатик мулозаматини билдирган бўлса-да, кейинги ҳаракатлар ва Қирғизистон билан имзоланган Келишув бу масалада Россия Ўзбекистон билан ҳисоблашиш нияти йўқлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сув — бу реал муаммо ва у бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Ўзбекистон экспертлари таҳлилига кўра, ўтган йил сув жуда танқис бўлди. Демак, бугунги кунда мамлакатни суғориш сувлари билан таъминлаш масаласи анча кескин тус олади. Ҳозирданоқ Ўзбекистонга сув бермаётгани учун Қирғизистон қиёфасида душман образи шаклланмоқда.

Менинг фикримча, шу муаммо асосида бора-бора низолар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу низолар сув танқислиги билан боғлиқ конкрет ҳудудларда юзага келади, лекин биз бу ҳолат Фарғона водийсида нечоғли хавфли бўлишини биламиз. Қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Каримовнинг эҳтиёткорлиги масаланинг бу қисмига ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, у беихтиёр хавотирланиб, мазкур можароларга Россия аралашмаслиги, бундай ҳодисаларни тартибга солиш учун ўз ёрдамини таклиф этмаслиги кераклигини айтди. Шу билан бирга, биз Россиянинг кўплаб мансабдорлари, айниқса, ҳарбийлари Қирғизистон жанубида ўз базаларини очиш тўғрисидаги эски ғояларини яхши эслаймиз. Шунинг учун, бу ғоя яна кўтарилади ва авж олади, деб ўйлайман.

ВРС: Вужудга келган бундай шароитда Қирғизистон қандай йўл тутиши керак, деб ўйлайсиз?

Валентин Богатирев: Биринчидан, сув ҳажми ва уни узатиш жадвали масалалари жуда кескин тус олишига тайёр бўлиб туриш керак. Таъкидлаб ўтишни истардим, бу вазият Қирғизистон учун мураккаблашиб бораверади. Биз сувни қаттиқ тежаш тартибига тайёр туришимиз зарур. Биласиз, кўплаб чеклашларга қарамай, Токтагуль сув омборидаги вазиятни тўғрилаш борасида сезиларли ўзгариш бўлмади. Сув етишмовчилиги қандай бўлса, шундайлигича қолди. Шунинг учун, тартибни сақлаб туриш ва сувни тўплаб бориш жуда-жуда зарур, акс ҳолда сув омборидан ажраб қолишимиз аниқ.

Шу билан бирга, суғориш ишлари бошланиши билан Ўзбекистонга бериладиган сув миқдорини максимал даражада чеклаш ҳам Қирғизистон манфаатига киради. Табиийки, бу Ўзбекистон билан қарама-қаршиликка олиб келади ва менинг фикримча, бу масалани ҳал этишда Ўзбекистон етарлича кескин чоралар қўллайди. Айни шундай вазият Амударё оқими бўйича Тожикистон билан ҳам ривожланиб боради..

Иккинчидан, бу ишнинг узоқ муддатга мўлжаллангани ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ ва равшан. У Қирғизистон ва Тожикистондаги ГЭСлар қурилиши билан боғлиқ лойиҳаларни халқаро экспертизадан ўтказилишини талаб қилади. Бу ўринда таъкидлаш жоиз, бундай лойиҳалар у ёки бу йўсинда доимо экспертизадан ўтказилади. Гап шундаки, бундай йирик объектлар қурилиши кўп миллиардлаб инвестициялар талаб этади. Ўз-ўзидан тушунарли, бу кредит пуллари бўлади. Бундай катта маблағни бераётган халқаро ташкилотлар эса доим мазкур лойиҳаларни баҳолаш амалиётини қўллайди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ерда гап фақат экологик жиҳатдан баҳолаш ҳақида эмас, балки бундай қурилишлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган сиёсий хавф-хатарлар ҳақида ҳам кетмоқда.

Бошқача айтганда, агар конкрет бир халқаро молиявий тизим бундай лойиҳани молиялаштириш истагини билдирган тақдирда ҳам станция ишлашига тўла ишонч ҳосил қилмагунича бир тийин ҳам бермайди. Масалан, Ўзбекистон бунга қарши чиқиб, фаол ҳаракат қилиб турибди. Шунинг учун Ўзбекистон розилик бермагунича ҳеч ким бу иншоотга пул ажратмайди.

Бу ерда Хитойдан Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга ўтадиган темир йўл қурилиши билан боғлиқ аҳволга айнан ўхшаш ҳолат юзага келмоқда. Ўзбекистон томони розилик бермагунича бу қурилиш бошланмайди, ҳеч ким лойиҳани молиялаштирмайди.

Мазкур масалада гап фақат оддий экологик мулоҳазалар устида бормаяпти. Менинг фикримча, қандайдир экспертизалар, жумладан, экологик экспертизалар муваффақиятли ўтиши мумкин, чунки бундай сув омборлари кўплаб жойларда қурилмоқда. Улар, албатта, экологияга таъсир кўрсатади, лекин бу таъсир устидан назорат ўрнатиш мумкин ва улар жиддий ўзгаришлар ва муаммоларга олиб келмайди. Гап ҳаттоки, ҳуқуқий экспертиза ҳақида ҳам кетаётгани йўқ, чунки жаҳон халқаро ҳуқуқида бу масала етарли даражада очиқ. Дарёларга трансчегаравий мақоми берилиб, улардан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи жорий этилган. Шундай ҳудудлар ҳам борки, улар бир мамлакатнинг ҳуқуқий майдони ҳисобланиб, бошқа мамлакат унинг ишларига аралашувига йўл қўйилмайди. Шу маънода халқаро ҳуқуқий экспертиза ҳеч қандай натижа бермайди, муаммо бўлиб станцияларни молиялаштириш масаласи қолади.

Қирғизистон, энг аввало, Ўзбекистон билан келишиб олиши зарур. Муаммони юзма-юз ўтириб, аниқ йўналиш бўйича муҳокама қилиш жоиз. Энг яхшиси, мунозаралар икки томоннинг манфаатлари кўзланган ҳолда олиб борилгани маъқул. Бу борада Ислом Каримов айрим фикрларни ҳам билдирди. Агар қурилиш Ўзбекистон манфаатларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилса, у инвестицияда иштирок этишга тайёр эканини ҳам айтди. Шундай экан, биз музокара столи атрофига ўтириб, сувдан фойдаланиш тартиби, унинг ўрмон хўжалиги учун қандай оқибатлар келтириши мумкинлиги, уларни қандай камайтириш масалалари ва ҳоказо-ҳоказолар борасида келишиб олишимиз керак. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур масала бўйича муаммоларни бугуноқ гаплашиб олмоқ керак.

Интервьюни Радислав САФИН тайёрлади, ВРС, Бишкек матбуот-клуби.

✓ Биз билган, билмаган тарих

САМАРҚАНД ҚОҒОЗИ ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Улуғ адиб таъбири билан айтганда, «Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлик»дир. Шу нуқтаи назардан, тарих саҳифаларини кўздан кечирсак, ўнлаб асрлар бурун Самарқанд қоғози нафислиги, чидамлиги, пишиқлиги билан Хитой қоғозидан афзал экани эътироф этилганига гувоҳ бўламиз. Ота-боболаримиз меҳнати, яратувчилиги туфайли Самарқанд қоғози ишлаб чиқилган ва донг таратган. Манбаларда қайд этилишича, унинг нархи олтин билан баробар бўлган.

Собиқ иттифоқ вақтида улуғ аждодларимизнинг қадим мероси, миллий ҳунармандчилик парокандаликка юз тутди. Аммо, қуёш юзини булут тўса ол-



маганидек, мустақиллик туфайли қадим анъаналаримиз, қадриятларимиз яна тикланди, маърифат булоғи қайта кўз очди.

Бир фидойи ҳунарманд ташаббуси билан Самарқанд қоғози яна тикланди ва ишлаб чиқарила бошланди. Машҳур Конигил қишлоғидаги устахонада ҳар куни ўнлаб ҳажмдаги қоғоз тайёрланмоқда.

— Ҳали, дунёдаги кўпгина халқлар илм-маърифат булоғидан баҳраманд бўлмаган замонда ота-боболаримиз шундай қоғоз тайёрлаган, — дейди Зариф Мухторов. — Бунинг маъноси шуки, улар наинки маърифатли бўлган, балки маърифат тарқатишга эҳтиёж сезган.

Машҳур Самарқанд қоғози тайёрлашни қайта йўлга қўйиш режаси иккиуч йил илгари пайдо бўлганди, — деб давом этади у. — Бу устахона Мухторовлар сулоласининг олтинчи авлодига тегишли. Ота-боболаримиз ҳам вақтида қоғоз тайёрлашган. Қоғоз ишлаб чиқариш учун асосан тутнинг ёш новдалари пўстлоғидан фойдаланамиз. Айрим пайтда пилла ҳамда ғўзапоядан ҳам қоғоз ишлаб чиқараяпмиз. Қоғоз тайёрлаш қунт, сабр-қаноат талаб этади. Айниқса, тут новдасидан тайёрлаётган қоғозларимиз сифати, бежиримлиги билан ажралиб туради. Маҳсулотларимиз нафақат вилоят, балки, республикадаги кўплаб музейлар, кутубхоналарда сақланаётган нодир қўлёзмалар, китоб ва қўлланмаларни реставрация қилишда асқотади.

— Самарқандда 2 мингдан ортиқ ҳунарманд, халқ амалий санъати фидойилари фаолият юритмоқда. 2008 йилда улар томонидан 30 тур, 5 минг хилдан зиёд қарийб 500 миллион сўмлик миллий ҳунармандчилик намуналари тайёрланган, — дейди «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Акобир Ҳакимов.

Айниқса, Мустақиллик йилларида халқ амалий санъатига эътибор тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 28 март ҳамда 2008 йил 1 апрелдаги Фармонларига кўра, уюшмага аъзо бўлган ҳунармандлар даромад солиғидан озод этилган, бу эса соҳани янада гуллабяшнашига замин яратмоқда.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, ҳозир вилоятнинг Оқдарё, Каттақўрғон, Нуробот, Қўшработ, Самарқанд туманлари, Ургут шаҳрида ҳунармандчилик анча ривожланган. Буни вилоятлараро «Уста» бирлашмаси раиси Жўрақул Иноятов ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, Оқдарёнинг Арпа қишлоғида уста Жамол Эсонов, қўшработлик Гулнора Чинниева, ургутлик Нўъмон Облоқулов каби ҳунармандларимиз устоз-шогирд мактабини шакллантирдилар.

Ҳунарманд усталар, каш-

тадўзу дўппидўзлар қўли билан яратилган халқ амалий санъати намуналари бежиримлиги, сифати, ўзига хослиги билан барчага маъқул бўлаяпти. Қанчадан-қанча сайёҳлар Регистонда жойлашган ҳунармандлар марказидаги ярмаркадан миллий осори атиқаларимиз, ота-боболаримизнинг меҳнати боис яратилган санъат асарларини харид қилишаяпти.

— Самарқандлик халқ амалий санъати усталари нафақат қадим кентдаги тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш, реставрация қилиш, балки республикамиз ва чет давлатларда бунёд этилаётган қатор обидалар ҳамда иншоотларнинг қад ростлашида ҳам баҳоли қудрат иштирок этаяпти — дейди уста Миржалол Асадов. — Яқинда Туркиядаги Мавлоно Жалолиддин Румий ёдгорлик мажмуидаги ёғоч ўймакорлиги ишларини бажариб қайтдик. Унинг пешайвони, устунлари, ганчли ўймакор эшикларини шогирдларим билан ўзим ясаб бердим.

Пойтахтда бунёд этилган Мустақиллик майдони, Хотира майдони, Миллий боғдаги Кўргазмалар павильони, Бухородаги ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасининг эшик ва дарвозалари ҳамда ёғоч ўймакорлиги ишида уста Миржалол аканинг ҳиссаси бор.

Мустақиллик йилларида Самарқанд ҳунармандчилик мактаби шаклланди. Ҳар бир уста ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда «Устоз-шогирд» анъанасини давом эттириб келмоқда. Бундан ташқари, бу ерда Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ишлаб турибди. Мазкур таълим даргоҳида мингга яқин ёшлар 8 йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини эгаллашмоқда.

— Коллежда таълим олаётган ёшларга етарлича шароит яратилган, — дейди унинг директори Толиб Аҳмедов. — 8 та устахонамиз бор. Унда ёшлар олаётган билимларини амалиётда мустаҳкамлашади.

— Республикамиз Президенти ташаббуси билан 2004 йили коллеж тубдан қайта таъмирланди, — суҳбатга қўшилди уста Акбархон Барноев. — Бу ерда йигитлар ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, мебель тайёрлаш сингари кўплаб касбларни эгаллаётган бўлишса, қизлар каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик сингари касбларни ўрганаяпти...

Буларнинг барчаси ота-боболаримизнинг қадим санъати келажак авлодга янада сайқалланган ҳолда мерос қолиши учун қўйилаётган муҳим қадамдир.

Абдували ХУДОЁРОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратлар муаллифи Ҳусан ТЎҒИЗОВ.

ДАРОМАД ҲАМ БОР, БУРОМАД ҲАМ

ЖИЗЗАХ. Бахмаллик Арслон Ёриев ўтган йили «Ғаллабанк»нинг Ўсмат филиалидан 8 миллион сўм кредит олиб, шахсий бизнеси — паррандачиликни йўлга қўйди.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири, — дейди у. — Ҳар куни 550-600 донадан тухум олиб, бозордагидан анча арзон нархда шифохона ва болалар боғчаларига етказиб бераяпмиз. Яхшигина даромад ҳам олаяпмиз. Муҳими, даромаддан буромад деганларидек, унинг бир қисмини қишлоғимизни обод ва кўркам қилишдек савоб ишга сарфлаяпмиз...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Чет элда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

Чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидалари, ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш, Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва бошқа чет эл мамлакатларида қонуний асосда меҳнат қилишнинг тартиблари тўғрисида маслаҳатлар олиш, шунингдек, турли шубҳали жисмоний ёки юридик шахслар томонидан чет элларга ишга жойлаштириш борасида таклифларга аниқлик киритиш, чет элларга ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва одам савдосига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ташкил этилган **8-371-232-27-88 ва 8-371-252-13-61** рақамли **«Ишонч телефонларига»** қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётир

Айни кунларда «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида минг нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Жамоада ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратилаётир.

— 2004 йилда корхонамизга Хитойдан қоп ишлаб чиқарадиган линия келтирилганди, — дейди тўқувчи Раъно Номозова. — Ҳозир бир кеча-кундузда 10-12 мингтагача қоп тикаяпмиз. Энди сифатли ун ва ун маҳсулотлари, шунингдек, қоплар ҳам ўзимизда тайёрланмоқда. Қишлоқ ёшларидан юз нафари ишли бўлган.

Ўтган йили ўн турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди.

— Бундан ташқари, гўштни қайта ишлайдиган линия ҳам ўрнатдик, — дейди цех бошлиғи Норқобил Менгтураев. — Гўштдан олинаётган саккиз турдаги маҳсулотларимиз харидоргир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида супермаркет, меваларни қуритиш цехи ишга туширилиб, яна эллик нафар киши муқим иш ўринларига эга бўлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах шаҳридаги Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди биносини капитал таъмирлаш»

Объект бошланғич қиймати — 145,8 миллион сўм (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 1 июлгача.

Ишларни молиялаштириш буюртмачининг маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй.

Телефон: (8372) 226-31-75,

факс: (8372) 226-34-98.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона.

Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, вилоят ҳокимлиги биносининг, кичик мажлислар зали.



ЖАМИ 13 КИШИ
ариза берган эди, аммо...



Шу йил 9 апрелда Жазоирда президент сайлови бўлиб ўтади. Унда номзод сифатида қатнашиш учун жами 13 киши ариза берган эди. Аммо Конституциявий кенгаш улар топширган ҳужжатларни синчиклаб кўриб, ўрганиб, 6 кишига номзодлик мақомини берди. Эндиликда улар президентлик учун кураш олиб бормоқдалар.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, улар орасида мамлакатнинг амалдаги президенти, 71 ёшли Абдулазиз Бутефлика ҳам бор. Мутахассислар фикрича, фақат ундагина ғалабани қўлга киритиш имконияти кенг.

Дарвоқе, у аввал ҳам, яъни 1999 ва 2004 йилги президент сайловларида ғолиб чиққан. Энди эса учинчи муддат учун кураш бошлаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, яқин кунларгача бу ўлкада атиги икки бор президентликка сайланиш мумкин эди. Аммо ўтган йил ноябрда парламент томонидан Асосий қонунга киритилган ўзгартишга кўра, президент учун ушбу чеклов бекор қилинди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ
иштирокчилари тарқатиб юборилди

Покистон полицияси Лаҳор шаҳрида уюштирилган ҳукуматга қарши норозилик намойишини кўздан ёш оқизувчи газ қўллаб тарқатиб юборди.

Мухолифатчилар ва ҳуқуқшуносларнинг ушбу митинги тўрт кунлик норозилик акцияси доирасида бўлиб ўтиши лозим эди, дея хабар беради AFP AA. Бундай намойишлар Покистоннинг турли шаҳарларида бошланиб, Исломободда якунланиши мухолифатчилар томонидан режалаштирилганди.

Аммо мамлакат маъмурияти кўпгина шаҳарларда норозилик намойишлари ўтказилишини тақиқлаб қўйди. Полиция юзлаб митинг иштирокчилари ва мухолифат аъзоларини қўлга олди. Мамлакатнинг собиқ бош вазири, айни дамда мухолифатчи Навоз Шариф эса уч кунлик муҳлат билан Лаҳорда уй қамоғига олинди.

Намойиш иштирокчилари Покистон президенти Осиф Али Зардоридан аввал берган ваъдасини бажаришни, шунингдек, президент Парвез Мушарраф бошқаруви даврида лавозимдан бўшатилган судьяларни вазифасига қайтарилишини талаб қилмоқдалар.

МУҲОЖИРЛАР УЧУН
янги солиқ тури жорий этилади

Буюк Британия маъмурияти мамлакатга ўқиш ёки ишлаш учун хориждан келаётган муҳожирлар учун янги солиқ турини жорий этишни мўлжаллаб турибди.

«Санди таймс» газетаси маълум қилишича, Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар фуқаролари эндиликда Буюк Британияга бориш визаси харажатларига қўшимча равишда 50 фунт стерлинг миқдорида «муҳожирлик солиғи» тўлайди.

Бу маблағ мамлакатдаги чет элликлар харажатларини қоплаш учун, яъни мактаб, шифохона, полиция ва бошқа давлат муассасаларининг ажнабийларга кўрсатган хизматларини молиялаш учун маҳаллий бюджетга ўтказилади.

ИСПАНИЯ ПОЛИЦИЯСИ
маошлар оширилишини талаб қилди

Испания Миллий полициясининг минглаб ходимлари шанба куни маошлар оширилишини талаб қилиб, мамлакат пойтахти кўчаларига чиқишди.

«Новости» АА хабарига қараганда, Испания полициясининг бундай норозилик намойиши кейинги ярим йилда иккинчи бор ўтказилиши. Ўтган йил октябрда Фуқаро гвардияси ходимлари ҳам (улар қишлоқ, йўл ва чегара полицияси вазифасини бажаришади, аммо ходимлар ҳарбий хизматчи ҳисобланишади) маошлар оширилишини талаб қилиб, митингга чиқишган эди.

Миллий полиция ва Фуқаро гвардияси бир неча йилдан бери бундай талабни ўртага ташламоқда, маошлар ҳеч бўлмаганда муниципал полициянинг маоши даражасига етказилишини талаб қилмоқда. Муниципал полиция маоши Миллий полиция ва Фуқаро гвардияси маошидан 15-20 фоиз кўп.

Полиция касаба уюшмаси маълумотларига кўра, Мадридда ўтган митингда Испаниянинг турли шаҳарларидан келган 25 мингга яқин полициячи қатнашди.

❖ Ватан ҳимояси — олий шараф

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга отланаётган йигитларнинг сўнгги гуруҳини кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП вилоят кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

— Жорий йил ҳарбий хизматга чақирув ҳар галгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ватанга хизмат қилиш истагини билдираётган ўғлонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Биз улар орасидан жисмонан бақувват, маънан баркамолларини танлаб олдик, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Эркин Абдураҳмонов.

— Менинг икки ўғлим, уч қизим бор. Катта фарзандимнинг армия сафига хизматга отланаётганидан жуда мамнунман, — дейди пайариқлик Самара Исоқова.

— Мен ёшлигимдан армияда хизмат қилишни орзу қилардим, — дейди Азиз Абдураҳмонов. — Мана, бугун ниятимга етаяпман. Хизматдан сўнг армияда шартнома асосида қолиб, ҳаётимни ҳарбий соҳага бағишлаш ниятим бор.

— Бугун иккинчи фарзандимни ҳарбий хизматга кузатаяпман, — дейди пастдарғомлик Чори Исломов. — Катта ўғлим хизмат қилиб, ҳозир олий ўқув юртида таълим олаяпти. Укаси ҳам унинг изидан бораётганидан хурсандман. Собиқ иттифоқ даврида йигитларни ҳарбий хизматга бундай тантанали тарзда жўнатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Ҳозир қаранг, ўғилларимиз ҳурмат-иззат, совға-саломлар билан армияга жўнаб кетишмоқда.

Кузатув маросими ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоаларнинг куй-қўшиқлари, қўли гул ошпазлар томонидан тайёрланган палов, тўкин дастурхон ҳақиқий Наврўз сайли шукуҳини берди.

Абдували ХУДОЁРОВ

ОЛИМ ХОТИРАСИ

НУКУС. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг мажлислар залида таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар, магистрантлар, фан ва маданият ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Анжуманда институт проректори Ғ.Курбониёзов, академик Ж.Бозорбаев, ўзбек адабиёти кафедраси профессори К.Курамбаев, қорақалпоқ адабиёти кафедраси профессори А.Пахратдинов ва бошқа олимлар Озод Шарафиддинов ижодий фаолиятининг ўзига хос қирралари тўғрисида маърузалар қилди.

Атоқли олим хотирасига бағишланган шундай анжуманлар бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда, ижодий муассасаларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

❖ «Умид ниҳоллари — 2009»

ҚИШЛОҚ ШОҲМОТЧИЛАРИ

ёки Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқувчиларининг жаҳоний ютуқлари ҳақида

Сирдарёликлар спорт ўйинлари дастурига кирган шоҳмот мусобақалари бошланишини интизорлик билан кутишяпти. Чунки бу мусобақага тайёргарликни улар Урганчда 2003 йилда ўтказилган «Умид ниҳоллари»да 11-ўринни эгаллагандан кейин бошлашган. 2006 йил Қаршида «Умид ниҳоллари» мусобақаларида фахрли 4-ўринга кўтарилишди.

Сирдарёлик шоҳмотчилар бўлажак мусобақага катта умид боғлашмоқда. Вилоят ўқувчилар терма жамоасига шоҳмот жонкуяри, спорт устаси Маматқул Ҳайлаев мураббийлик қилаяпти. У ўтган йилларда Боёвут туманидаги 9-мактаб ўқувчиларидан аҳил шоҳмот жамоасини ташкил эта олди. Шу мактаб ўқувчиларининг шоҳмотда эришаётган натижалари назарга тушди. 2006 йилда 9-мактаб учун янги бино қуриб фойдаланишга топширилди ва унда Болаларўсмирлар спорт мактабининг шоҳмотга ихтисослашган филиали очилди. Ҳозирги кунда бу филиалда 50 нафарга яқин иқтидорли шоҳмотчи ёшлар шуғулланишаяпти.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлашимиз керак, чекка қишлоқда жойлашган 9-мактабнинг тўрт нафар ўқувчиси шоҳмот бўйича Франция, Греция, Эрон, БАА, Вьетнамда ўтказилган жаҳон ва Осиё биринчиликларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Шубҳасиз, 8-синф ўқувчиси Сарвиноз Курбонбоева мактабнинг фахри ҳисобланади. Сарвиноз ўз ёш гуруҳларида 6 марта Ўзбекистон чемпиони бўлди, ўтган йил Техронда ўтган Осиё биринчилигида кумуш медални қўлга киритди. Унинг «Умид ниҳоллари» ўтказиладиган йилдаги натижалари янада қувонарли. Йил бошидан буён Сарвиноз 16 ва 18 ёшгача бўлганлар ўртасидаги мамлакат биринчиликларида, биринчи табақанинг саралаш мусобақасида ғолиб чиқди. Энди Сарвиноз яқин кунларда Ўзбекистон чемпионатида тажрибали шоҳмотчиларимиз қаторида энг ёш қатнашчи сифатида дона суради. Шунингдек, 9-мактаб жамоаси 6-синф ўқувчиси Шаҳноза Қосимова, 8-синф ўқувчиси Миржалол Қосимов, 9-синф ўқувчиси Отабек Ҳайлаевнинг шоҳмотда эришаётган натижалари билан ҳам ҳақли равишда фахрланади.

— «Умид ниҳоллари»нинг шоҳмот мусобақалари Гулистон давлат университетида ўтказилади, — дейди Сирдарё вилояти шоҳмот жамоаси мураббийи М.Ҳайлаев. — Қатнашчи шоҳмотчилар 2-педагогика коллежи талабалар уйига жойлаштирилади. Вилоятимиз жамоаси аниқ дастур асосида тайёргарлик кўраяпти. Ойда ўн кун Тошкентда мусобақаларда қатнашаяпмиз, қолган вақтларда амалий машғулотлар ўтказаяпмиз, ўйинлардаги вазиятларни таҳлил қилаяпмиз. Ўйлайманки, бу йилги мусобақаларда ўқувчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашади.

Ўз уйингда деворлар ҳам суяйди, деб бежиз айтишмаган. Лекин ҳаммасига мусобақалар ойдинлик киритади. Чунки юртимизда мактаб ўқувчиларнинг энг катта мусобақаси — «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларига тайёргарлик авж паллага қадам қўйди. Хуллас, шоҳмот мусобақаси ҳам кескин курашларда кечади ва уларда юртимизнинг янги Рустам Қосимжонов, Юлдуз Ҳамроқуловалари бўй кўрсатади.

Асрор МЎМИН

Суратда: *С.Қурбонбоева мураббийи М.Ҳайлаев билан ўйиндаги вазиятни таҳлил қилаяпти.*

❖ Кўпчиликни ўйлантираётган муаммо

Куй-қўшиқда миллат руҳи яшайди. У халқнинг ички қиёфаси, маънавий дунёси, ўзлиги ва қадриятларининг ажралмас қисми сифатида одамларда эстетик дидни тарбиялайди, ижодкорлик, бунёдкорлик ва ватанпарварликка ундайди.

Шу боис ҳам мусиқа Шарқда қадимдан алоҳида илм сифатида шаклланган, сайқал топган. Диёримиздан етишиб чиққан бирор-бир адабиёт ва санъат, илм-фан намояндаси йўқки, мусиқа билан шуғулланмаган, унинг ривожига ҳисса қўшмаган бўлса. Зотан, Абу Наср Форобийнинг нижжак яратгани, Ибн Сино нотани кашф этгани, Беруний, Навоий, Бобур каби буюк мутафаккирлар адабиёт ривожи билан бирга мусиқа илмига ҳам сезиларли ҳисса қўшгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу ўз навбатида улуғ сиймоларнинг нафис ички дунёси, эстетик қарашларида мусиқага бўлган юксак эҳтиром намунасидир. Улар қарашларида ҳар бир жойнинг табиий шароитига монанд оҳанглари борлиги, бу оҳанглар ҳар бир элнинг руҳиятини акс эттиришини баён қилганлар.

ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИ

унинг миллий дид ва маданиятни шакллантиришдаги ўрни ҳақида мулоҳазалар

Мустақиллик йилларида ана шу бебаҳо миллий меросни асраш ва ривожлантириш бўйича ҳукумат даражасида қатор қарорлар қабул қилинди. Миллий санъатимизни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгиланди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Биргина «Шарқ тароналари» анъанавий халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш йўлга қўйилгани, шу нуфузли тадбирга жонажон юртимиз мезбонлик қилишининг ўзида жуда катта тарихий ҳақиқат бор. Буни ҳис қилиш, идрок этишнинг ўзи кишини беихтиёр тўлқинлантиради, ғурурлантиради. Бу фестиваль ўзбек санъатининг жаҳонаро эътирофи, расман тан олинишининг рамзи, амалдаги исботидир.

Шундай бўлса-да, ҳозирги глобаллашув шароитида ахборот хуружи кўп минг йиллик ўзбек мусиқа ва қўшиқчилик санъати олдига ҳам ўзининг ўткир муаммоларини қўймоқда.

Бугун ахборотни ҳар хил чегаравий сим-тўсиқлар ва тақиқлар билан тўсиб бўлмаганидай, улар келтираётган таҳдидни ҳам ўз вақтида илғаш қийин кечмоқда. Кўп ҳолларда аҳамият беришга арзимайдиган бўлиб туюладиган нарсалар аллақачон катта хавф-хатарга айланиб бораётгани жуда кеч англанмоқда. Бундай «арзимас» нарсалар махсус кучлар томонидан «экспорт» қилаётгани баъзан хаёлимизга келмайди.

Эстрада санъати кейинги йилларда инсон онги ва руҳиятига қаратилган энг хавфли қуроллардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Сўнгги вақтда матбуотда бу ҳақда кўплаб жиддий чиқишлар қилиняпти, маданият ва санъат аҳли, зиёлиларимиз уни бартараф этиш борасида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдиришмоқда. Аммо шунга қарамай, замонавий санъат дея ўзгаларга эргашиш, тушуниб-тушунмай ёш авлод маънавиятини бузишга «хизмат» қилаётган қўшиқлар камайиш ўрнига кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

«...Бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади, — дейилади Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида. — **Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб**

бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта».

Дарҳақиқат, миллий анъаналаримизга, шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузини атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб хатти-ҳаракатлар орқали айрим «қўшиқ»чиларимиз санъатнинг илдизига болта ураётгани, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбини ўтмаслаштираётганини қандай тушуниш, оқлаш мумкин? Бундай енгил-елпи сўз ва тумтароқ оҳанглар эшитувчига ҳеч нарса бермайди, лекин одамларнинг ғашини келтиради, ёшларнинг дидини сусайтиради, онгини заҳарлайди.

Шу ўринда айтиш керакки, бундай сийқа қўшиғу қўшиқчиларнинг кўпайишига айниқса, хусусий нашрлар, радио ва телевидение ҳам «ҳисса» қўшмоқда. Ёш хонандалар концерт дастурларининг ошириб-тошириб реклама қилиниши, ҳар қандай қўшиқчига «эстрадамиз юлдузи» дея таъриф-тавсиф берилиши, ҳеч қандай муҳокамасиз, тавсиясиз уларнинг «ижод»лари эфирларда айлантирилиши оқибатида айрим ёшларда «шундай қўшиқ айтса ҳам бўларкан», деган салбий хулоса пайдо бўлишга олиб келмоқда. Бундай бачкана тақлидлар эса худди юқумли касалликдек тез тарқалмоқда.

Маъно-мантиқсиз матнлар фиғонингизни фалакка чиқарадиган даражадаги «қўшиқ»лардаги мана бу тутуриқсиз сўзларга эътибор берайлик:

«Шу қизингизни яхши кўрсангиз, унга участкангизни қўшиб беринг, қайнонажон!»,

«Кўлларингдан ушласам, Дейсан уялиб секин. Ҳеч ким кўрмасин десанг, Кел қучоғимга бекин»,

«Оқ кўйлак, қора шимда, учрашув бор пешиндa. Бир даста гул қўлимда, ола хуржун бўйнимда»,

«Хаёлим бахтга — тунлари сен билан бирга... Парвоз этаман сенга...»,

«Дам-бадам, Ҳаётда Вандам. Қизлар бизларга ҳеч Беролмайди дам»,

«— Ока беринг телефониздан битта телефон қиволай,

— Кўй укам ўзи батарейка кам»,

«Бизнинг ёр кичкинадир, Дарчасидан қичқирадир...»

Бу нима — алаҳсирашми, саводсизликми ёки ошкора тарбиясизликми? Бу матнлар қайси мезонга, қандай ахлоққа тўғри келади?

Эстрада қўшиқчилигимизда мазмундан кўра кўпроқ шовқин-суронга урғу берилаётганини ҳам кузатиш мумкин. Инсон руҳига ором, маънавий озуқа, завқ берадиган қўшиқлар ўрнини руҳиятимизга ёт оҳанглар, шовқин-суронлар эгалламоқда.

Илгари кўп бор матбуотда танқид қилинган яна бир оғриқли масала борки, бу миллий эстрадамизда турк ва ҳинд, уйғур ва араб эстрадасидан нусха кўчириш, ошкора тақлид қилиш. Бундай кўзбўямачиликни нафақат ёш ижрочилар, балки санъатда суяги қотган, халққа танилиб улгурган баъзи хонандалар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Кейинги пайтларда тайёрланаётган айрим клиплар ҳам кўпчиликни ранжитмоқда. Уларда қўшиқ мазмунини ифодалашдан кўра хонанда рекламасига урғу беришга интилиш кучли. Айрим клиплардаги қўшиқчи қизлар ётоқхонаси ва чўмилиш хоналарининг акс этиши эса бизда аллақачон янгилик бўлмай қолди. Шундай мусиқага жазавага тушаётган бир тўда ёшлар, дискотека манзаралари кириб келди. Бундай клиплар халқимизни андиша, шармҳаё каби асл миллий туйғулардан узоқлаштиради, ёш авлодни ҳиссиётга эмас, ҳирсиётга ундайди.

Бугунги эстрада қўшиқчилигимизда юз бераётган бу каби камчилик ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан мақсад — аввало, санъатимиз шаъни, нуфузини ҳимоя этиш, ёшларимизни ёт таъсирлардан асраш, санъат вакилларида ўз касбига нисбатан чуқур масъулият ҳиссини уйғотишдир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу муҳим мавзуни биргина мақола доирасида тўлиқ қамраб олиш мумкин эмас. Бизнингча, ҳар қандай қўшиқ маънавиятимиз юксалишига хизмат қилмоғи зарур.

Жасур ҲУСАНОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: *Ушбу мақолада кўтарилган масала янги мавзу эмас албатта. Бу муаммо матбуотда кўп марта кўтарилган. Лекин, афсуски, ижобий ўзгариш сезилаётгани йўқ. Шунча гап, ҳатто таниқли, обрўли санъаткорларнинг матбуот, телевидение орқали билдираётган фикр-мулоҳазалари нега бу хатти-ҳаракатларни тўхтатиб қололмаяпти? Ана шу савол кишини ўйга толдиради, безовта қилади. Назаримизда бунинг сабаблари кўп. Улардан бири, эҳтимол асосийси шуки, бунга кўпроқ хусусий нашрлар, радио, телевидение бемалол имкон яратиб бермоқда.*

Хўш, нашр ва эфирга масъул шахслар бундай ҳолатларга йўл қўйиш билан нафақат санъатга, балки ёшлар тарбиясига катта зиён етказаётганларига ақл-фаросатлари етмаяптими? Бундай лоқайдлик, масъулиятсизлик миллий қадриятларга, миллий манфаатга хиёнат эканини тушунишмаяптими?.. Эҳтимол, бурч, масъулиятдан кўра, шахсий манфаатдорлик устун келаётгандир?.. Акс ҳолда кўра-била туриб, бунга йўл қўйилмаган бўларди.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳақида чуқурроқ, жиддийроқ, қатъийроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Бундай нуқсонларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларидан ташқари қонунчилик ва низомлар талабидан келиб чиқиб, тартибга солиш, механизм яратиш, чора кўриш имкони ҳам борку.

Санъат қайси йўналишда бўлмасин, инсон кўнглини обод қилишда, ёшларни руҳан соғлом, мард ва жасур, ватанпарвар, инсонпарвар қилиб тарбиялашда, миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришда муҳим восита экани яхши маълум. Оддийроқ айтганда, санъат инсон қалбига кириш, унинг маънавий оламига таъсир ўтказишда катта куч-қудратга эга.

Бугунги кунда санъат ниқоби остида ёшлар қалбини, онгу шуурини забт этиш орқали ўзга ҳудудларда маданий гегемония ўрнатишга уринаётган ташқи кучлар хуружлари тобора кучайиб бораётгани сабаби ҳам шунда. Айрим ёшларимиз маънавиятимизга ёт бундай таҳдидлар таъсирига тушиб қолаётгани сир эмас. Бунга эътиборсиз қараш, муросасозлик қилиш оғир оқибатларга олиб келади, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу боис, мутасадди идора ва ташкилотлар эътиборини бу масалага яна бир бор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Утерянный государственный ордер

№06-02/11728 от 2.08.2002 на квартиру на имя Ворочаева Андрея Владимировича, а также документы БТИ, выданные на квартиру по указанному ордеру,

считать недействительными.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари **Зариббой ҚЎЧҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.40
Sotuvda erkin narxda